*Дилкаш суҳбатлар*

# "ОИЛА ДАРДИ — БИЗНИНГ ДАРДИМИЗ"



**Замира Муқодирова билан муштарийларимизни таништириб ўтишнинг ҳожати бўлмаса керак. Уни Ўзбекистон "Ойнаи жаҳони"нинг "Оила" кўрсатуви орқали кўпчилик яхши танишади. Замира опа зангори экран орқали оила муаммолари, турмуш тарзимиз, ўзбек аёлининг оилада, ишда тутган ўрни, миллий ва маънавий қадриятларини ҳар томонлама таҳлил этишга ҳаракат қилмоқда. Биз "Оила" кўрсатувининг муаллифи ва муҳаррири, иқтидорли журналист Замира Муқодирова билан суҳбатлашдик.**

**— Замира опа, аввало оилангиз ҳақида икки оғиз тўхталсангиз.**

— Оиламиз оддий. Бу ҳақда тўхталиб ўтишдан олдин шуни айтишим лозимки, менинг шу даражага етишишимда ота-онамнинг хизматлари катта. Онам Зуҳра ая биз, тўрт қиз ва бир ўғилни уйли-жойли қилган, пиру бадавлат онахонлардан ҳисобланадилар. Турмуш ўртоғим Мансуржон Умаров 20 йилдан бери шофёр бўлиб ишлайди. Икки фарзандимиз бор. Ўғлим Раҳматжон ва қизим Юлдузхон. Бахтиёр ҳаёт кечираяпмиз.

**— Хизмат юзасидан албатта кўплаб оилаларда бўлишингизга тўғри келган. Ўзбек оилалари маданиятига қандай қарайсиз?**

— Оила маданияти — кенг қамровли тушунча. Кимдир замонавий жиҳозлар билан безатилган шоҳона уйлар ёки зеби зийнат ва кийим-кечаклар билан оила маданияти пайдо бўлади, деб ўйлайди. Менимча, бу маданиятни аввало ота-она, улар берган тарбия юзага келтиради. Бунинг учун ҳар бир инсоннинг ички дунёси гўзал, маънавияти юксак бўлмоғи даркор. Маданият оила даврасида стол-стулда ўтириш, шоҳона кийим-кечаклар билан ўлчанмайди. Балки кийиниш, овқатланишдан тортиб, муомала одобигача, шунингдек каттага ҳурмат, кичикка иззат билан мурожаат қилишда, деб биламан. Оилада эр-хотин ўртасидаги самимиятни қадрлайман. Маданиятнинг бош омили ҳам табиийлик, самимийликдир.

**— Оилада эр-хотин ўртасидаги тотувлик нималарга боғлиқ, деб ўйлайсиз?**

— Том маънода айтадиган бўлсам, ўзаро тотувлик икки томоннинг бир-бирини тўғри тушунишида, ҳурматда. Бироқ, бу борадаги масъулият кўпроқ аёл зиммасига тушади. Ҳаётда нималар бўлмайди, дейсиз. Ана шу қийинчиликларга чидаган киши доимо ғолиб чиқади. Турмуш муаммоси юзага келганда ё эркак, ё аёл бир гапдан қолса ҳеч нарса қилмайди.

**— Сиз тайёрлаётган "Оила" кўрсатувини томошабинлар орзиқиб кутишади. Бунинг сабаби нимада деб ўйлайсиз?**

— Одамни хурсанд қилиб юбордингиз. Ахир ижодкор учун у тайёрлаётган кўрсатув қачон намойиш этилишини интизорлик билан кутишса, бундан ортиқ бахт борми! Агар шундай бўлса, бунинг боиси кўрсатувнинг ҳаётийлигидадир. Зеро, ҳар бир хонадоннинг ўзига яраша муаммоси бўлади. Одамлар эфир орқали турли тақдир эгалари билан учрашиб, ўзларига хулоса чиқаришади. Халқимизда "Бирни кўриб шукр қил, мингни кўриб фикр қил" деган мақол бежиз айтилмаган.

**— Замира опа, сизнингча, замонавий ўзбек аёли қандай бўлмоғи лозим?**

— Мукаммал ўзбек аёли — у меҳрибон она, вафодор ёр ва жафокаш уй бекасидир. Мен уларни пазанда, уй юмушларида саранжом-саришта эканлиги, тунлари беором гўдагига алла айтишидан фахрланаман. Аёл киши ақл-фаросатли бўлсагина унга назокат ярашади. Шундагина жаҳонга донги кетган ўзбек аёли тимсолини ўзида акс эттира олади.

**— Нималарни хуш кўрасиз? Бўш вақтингиз қандай ўтади?**

— Бўш вақтим деярли бўлмайди. Ишхонада ўзингизга маълум, бир зум тиним йўқ. Ишдан уйга, супур-сидир ва овқат қилгани шошиламан. Ҳозирги кунда Тошкент давлат муаллимлар институтининг аспирантиман. Имконият топилганда эса оила аъзоларимиз билан истироҳат боғларида сайр қилишни хуш кўраман. Чет эл саргузашт асарларини мутолаа қиламан.

**— Эшитишимча, Халқаро оила йилида хайрли ишлар ҳам қилаётган экансизлар...**

— Агар қизиқиб кузатиб бораётган бўлсангиз кейинги пайтда ижодий гуруҳимиз кўрсатув мазмунини ўзгартириш, қизиқарли қилиб тайёрлаш учун изланишлар олиб боряпти. Маълумки, ҳозирги бозор иқтисодиёти даврида кам таъминланган,ёрдамга муҳтож оилаларни қўллаш, уларни маънавий рағбатлантиришга алоҳида эътибор берилаяпти. Бир кўрсатувимизда ногирон бўлиб қолган Носиржон ҳақида ҳикоя қилган эдик. У тўшакка михланиб қолган, хотини ва фарзандлари ёрдамига муҳтож. Қувончлиси шундаки, "Оила" бонг ургандан сўнг мурувватли кишилар унга ёрдам қўлини чўзишаётган экан. Ўз навбатида биз ҳам Республика ижтимоий-таъминот вазирлиги билан боғланиб, мутасаддилар орқали Носиржонга ногиронлар аравачасини олиб берадиган бўлдик. "Оила" бундай хайрли ишларни кўплаб амалга оширяпти. Режаларимиз катта. Келгусида оилалардаги муаммоларни ҳал этишга эътиборни янада кучайтирамиз. Оила дарди — бизнинг дардимиз.

**Суҳбатдош Дилдора ОРИПОВА.**

## ҲАММА БИРДАЙ БОШ ҚЎШСИН

Дарҳақиқат, тўй кўпчилик билан. Модомики шундай экан, тўйнинг асосидан тортиб, то энг майда-чуйдасигача ўйлашиб, кенгашиб уй эгасига ва элга малол келмайдиган, бундан атрофдагилар азият чекмайдиган қилиб ўтказилиши керак. Зеро, ҳар бир тўй маросими ихчам, жанжалсиз ёки бирор-бир кутилмаган нохуш воқеаларсиз ўтиши кўпроқ ўзимизга боғлиқ.

Кейинги пайтларда баъзи ота-оналар келин-куёвнинг "Бахт уйи"га бориб келгунларича юракларини ҳовучлаб ўтирмоқдалар. Нима учун дейсизми? Буни бошидан ўтказган ота-оналар яхши биладилар. Машина рулига ўтирган куёвнинг яқин ошналари келин томондан ўтирган нотаниш қизлар олдида ўзларини моҳир ҳайдовчи қилиб кўрсатишга уриниб йўл ҳаракати қоидаларини "унутиб" қўядилар ва натижада бошқа йўл ҳаракати иштирокчилари учун хавфли вазиятларни келтириб чиқарадилар, гоҳида эса ўзлари автоҳалокатларнинг сабабчисига айланиб қоладилар. Тўғри, сўнгги вақтларда маълум даражада бундай нохушликларнинг олди олинмоқда. Чунончи, йўл ҳаракати қоидасига баъзи бир ўзгартишлар киритилиб, маҳалла оқсоқоллари ҳайдовчиларни йиғиб уларга ўгит-насиҳатлар қилишлари ўзининг ижобий натижасини бермоқда.

Аммо "Ўйиндан ўқ чиқади" мақоласида таъкидланганидек, куёв навкарлар билан автобусларда карнай-сурнай садолари остида келин уйи томон кетаётган болаларнинг қўлбола тайёрланган портлатгичларни автобус ойнасидан одамлар зич бўлиб турган бекатларга яқин жойларга, келин хонадони атрофига улоқтиришлари ва улардан чиққан гумбурлаш товуши ҳамда портлашнинг аянчли натижалари кўпчилик ҳамшаҳарларимизнинг ўринли ташвишланишларига сабаб бўлмоқда.

Яқинда ён қўшнимиз қизини чиқарадиган бўлди. Никоҳ кечаси куёв билан унинг навкарларини сабрсизлик билан кутардик. Узоқдан эшитилган карнай-сурнай, ноғора садолари ҳаммамизни ўрнимиздан қўзғатиб юборди. Кимдир чой дамлашга, яна кимдир ошнинг гўштини тўғрашга, қўйингки ҳамма куёвни кутиш тараддудига тушиб кетди.

Хонадонга яқинлашиб қолган куёвни қуршаб олган навкарлар ўйин-кулгиси ва карнай-сурнай садолари гумбурлаш товушидан сўнг бирдан тўхтаб қолди. Ҳамма кўча томон шошилди. Мен ҳам ғала-ғовур бошланган томонга яқинлашдиму, хушбичим куёвнинг кўриниши ва эгнидаги куёвлик костюмини кўриб ёқамни ушладим. Не кўз билан кўрайки, куёвнинг яп-янги костюми илма-тешик, юзининг чап томонидан нуқта-нуқта бўлиб қон оқарди. Кимдир ёнидан дастрўмолини олиб куёвнинг юзини артар, яна бошқаси унинг қўлтиғидан ушлаганича нарида қолган автобусга қараб қадамини илдамлатиб кетишди, кейин маълум бўлишича куёв навкарлари билан келган болалардан бири портлатгич моддани томга қаратиб улоқтирган экан, у уй деворига тегиб, ундан тўғри куёвнинг елкасига келиб тушибди. "Ўйиндан ўқ чиқади" деганлари шу бўлса керак.

Ҳақиқатан ҳам кейинги пайтларда қўлбола портлатгич мосламаларидан жароҳат олаётганлар, беҳосдан чиққан гумбурлашдан юраклари хаста бўлаётган беморлар тез-тез касалхоналарга тушмоқдалар. Куёв навкарлар келиннинг уйига ўйин-кулги, карнай-сурнай садолари билан боришлари азалий ажойиб удумларимиздир. Бироқ бундай нохуш гумбир-гумбирларнинг тўйга ҳеч бир алоқаси йўқдир. Зеро, ният қилиб эл-юртни чақириб ўтказаётган тўйимизга асаб бузишу нохушликлар асло аралашмасин. Бундай нохушликлар бўлмаслиги учун ҳар бир тўй қатнашчиси, маҳалла фаоллари, мактаб жамоаси ва оилада болаларга тушунтириш ишлари олиб бориш лозим, токи тўйларимизнинг гавжумлиги ва файзи бузилмасин.

**Икромжон РАҲИМОВ, милиция майори.**

*Акс садо*

## "ЎЙИНДАН ЎҚ ЧИҚАДИ" МАҚОЛАСИНИ ЎҚИБ

**Газетамизнинг шу йил 4 ноябрь сонида чиққан "Ўйиндан ўқ чиқади" мақоласи "Оқшом" муштарийларида катта қизиқиш уйғотди. Уларнинг ҳозирги кунда жуда долзарб бўлган болалар ўртасида турли хил портловчи мосламалар ясашнинг ножўя оқибатлари ҳақида куюниб ёзган мактубларини ўқиган кишини бефарқ олдирмайди. Қуйида ана шу мактублардан баъзиларини эълон қиляпмиз.**

## ОҚСОҚОЛЛАРНИ ЖАЛБ ЭТИШ КЕРАК

Мен "Тошкент оқшоми" газетасида 4 ноябрь куни босилган "Ўйиндан ўқ чиқади" номли мақолани синчиклаб ўқиб чиқдим. Тўйларимиз ҳақиқатан ҳам гўзал удумларимиздан бири. Илгари куёв ўз жўралари билан карнай-сурнай ва ноғора садолари остида келиннинг хонадонига кириб борарди. Ҳозир эса куёв жўраларнинг автобусларига ғиж-ғиж ёш болалар чиқиб олишяпти. Шовқин-сурон, тўполон, ур-сур авжига чиқяпти. Уларни тартибга чақириш эса ҳеч кимнинг эсига келмайди. Умуман бундай жойларда ёш болаларнинг бўлиши жоизмикин? Автобусдан тушгач, келиннинг уйига кетаётган куёвнинг ўртоқлари қаторидаги тўп-тўп болаларнинг оппоқ деворларга қараб отаётган "лимонка"ларини кўриб ёқа ушлайсиз. Натижада бундай номақбул "мушакбозлик"дан чўчиб юраги хасталарнинг касалхонага тушиш, куйиш ҳоллари юз беряпти... Хуллас, хурсандчилик кунларида юз бераётган бундай нохуш ҳоллар кейинги пайтларда кўпайиб боряпти. Ана шундай қўлбола портлатгичлардан бири Чиғатойнинг Форобий кўчасидаги 2-уйда яшовчи Ниёз ака Акбаровга тегиб, қулоғи лат еди, кийимлари куйиб кетди. Тўйларимиздаги бундай "мушакбозлар"дан карнай-сурнайчилар, санъаткорларнинг ҳам юраклари безиллаб қолган. Айниқса, бундай ножўя одатлар авж олган Чиғатой, Себзор, Чорсу ва шаҳримиздаги бошқа барча маҳаллаларнинг оқсоқоллари бу бебошликнинг олдини олиш учун зарур чораларни тезда кўришлари керак. Умуман, биз, катталар, ҳар бир ота-она ўз фарзандининг ишларидан доимо бохабар бўлсак, тарбияси ёмон болаларга қўшилганда танбеҳ берсак ёмон бўлмасди. Шундай қилсак, тўйларимизнинг илгаригидек батартиб, файзли ўтишини таъминлаган бўламиз.

**Абдулла ТОЛИПОВ, меҳнат фахрийси.**

**Бош муҳаррир Эркин ЭРНАЗАРОВ.**

## ҲАР ТЎҒРИДА



**Москва. Пушкин номли тасвирий санъат музейида рус савдогарлари Иван Морозов ва Сергей Шукин хотирасига бағишланган кўргазма очилди. "Рургаз" немис компанияси ҳомийлигида ташкил этилган бу кўргазмага француз импрессионистларининг 120 та асари қўйилган бўлиб, улар Москва ва Санкт-Петербург музейларидан танлаб олинган.**

**СУРАТДА: Пьер Огюст Ренуар мўйқаламига мансуб "Актриса Жанна Самари портрети".**

**В. Великжанин сурати. (РАТА—ТАСС).**

***

**Япониянинг Ғарбидаги Кобе шаҳрида сиз суратда кўриб турган кўприк қурилиши тугалланди. Узунлиги 400 метрли бу кўприк 10,5 километрли "Харбор хайвей" йўлининг бир қисми бўлиб, у Кобе шаҳри атрофидаги иккита сунъий оролни ўзаро боғлайди. Қурилиши 1967 йилда бошланган бу иншоотга 94 миллиард йен сарфланган, у икки орол орасидаги қатновни 30 дақиқадан 10 дақиқагача қисқартиради.**

**(Киото—РАТА—ТАСС сурати).**



*"02" хабар беради*

## ЖИНОЯТ ЖАЗОСИЗ ҚОЛМАЙДИ

. 6 ноябрь куни соат 14 дан 20 дақиқа ўтганда Халқлар дўстлиги шоҳкўчасининг "Отчопар" бекати ёнида Ички ишлар бош бошқармасининг жиноят қидирув хизмати ходимлари томонидан тиббиёт автогаражи механиги чўнтагидан 493 сўм пулни ўғирлаган 2-троллейбус депосининг ҳайдовчиси ашёвий далил билан қўлга олинди.

. 7 ноябрь куни тонгги соат 3 дан 15 дақиқа ўтганида Қорақамиш 2/1 даҳасида жойлашган савдо мажмуаси дўқонидаги қўриқлаш сигнализацияси ишлаб марказлаштирилган қўриқлаш нуқтасига хабар берди. Тезкор қўлга олиш гуруҳи ходимларининг зудлик билан амалга оширган чора-тадбирлари натижасида жиноят жойида муқаддам судланган, "Мажид" фирмасининг ишчиси ушланди. Қизиғи шундаки, дўкон ойнасини синдириб ичкарига кирган ўғри ҳали кўз остига мўлжаллаб қўйган буюмларни олишга ҳатто улгурмаган экан.

. Шу куни кундузи берилган хабарда айтилишича, 5 ноябрга ўтар кечаси 6-Қушбеги даҳасида жойлашган "Спорт" дўкони томини тешиб ичкарига кирган номаълум кимсалар 500 сўмлик маҳсулотларни ўғирлаб кетганлар. Жиноят-қидирув бўлими ходимларининг саъй-ҳаракатлари натижасида мазкур жиноятни 18-ҳунар-техника билим юртининг талабаси, 46 ва 100-мактаб ўқувчилари ҳамда ўқиш жойининг тайини йўқ ўсмир амалга оширганлиги аниқланди. Ўғрилар тезда ушланди. Дастлабки тергов пайтида маълум бўлдики, ушбу гуруҳ 2 ноябрга ўтар кечаси ҳам "Юлдуз" тижорат дўконига эшикни бузиб кириб ундан 5500 сўмлик қўлга илингулик нарсаларни гумдон қилишган экан. Ўғрилардан барча ашёвий далиллар олинди.

. 8 ноябрь куни соат 00 дан 30 дақиқа ўтганида 3-автотранспорт корхонаси олдида қўриқлаш бўлими тартиб посбонлари томонидан "Миконд" заводи ҳудудидан 8 та биллур идишни ўғирлаб чиққан шу корхона ишчиси қўлга олинди.

. Шу куни соат 11 да қурилиш-монтаж корхонасининг дурадгори 1-болалар боғчаси ҳовлисида мазкур боғчада энага бўлиб ишловчи хотини билан жанжаллашиб қолган. Натижада жаҳл отига минган эр турмуш ўртоғининг кўкрак ва қорин қисмига пичоқ санчган. Жароҳатнинг оғирлигидан бечора аёл шу ернинг ўзида жон берган. Қотил эр дарҳол ҳибсга олинди. Ҳозир тергов ҳаракатлари кетмоқда.

. 9 ноябрь куни берилган хабарда айтилишича, 28 октябрда номаълум кимса Юнусобод даҳаси 5-мавзеда нафақадор кишини қўрқитиб, боқиб юрган учта қўйини тортиб олган. Жиноят-қидирув бўлими ходимларининг ўз вақтида амалга оширган чора-тадбирлари натижасида ушбу талончиликни пахта саноати корхоналаридан бирининг ҳайдовчиси амалга оширганлиги аниқланди ва у ашёвий далиллар билан қўлга олинди.

. 10 ноябрь куни Фарғона йўли шоҳкўчасида жойлашган завод ҳудудида ҳеч қаерда ишламайдиган йигитча мазкур корхона чилангари билан тортишиб қолган. Орада чиққан жанжал сабабли у чилангарнинг калла суягига оғир жароҳат етказган. Натижада жабрланувчи 2-клиник касалхонасида даво чораларига қарамай ҳаётдан кўз юмган. Ҳозир қотил қўлга олинган, жиноят сабаблари аниқланмоқда.

. 11 ноябрь куни соат 17 дан 20 дақиқа ўтганида Юнусобод даҳасидаги кўп қаватли уйлардан бирининг ёнида номаълум кимса уй бекасининг қулоғидаги зиракларини юлиб олиб қочиб қолган. Патруль-пост хизмати бўлинмасининг милиция ходимлари томонидан тез орада жиноятчи — 51-мактабнинг 11-синф ўқувчиси ушланди. Зираклар эгасига қайтарилди.

. 12 ноябрь куни Чилонзор савдо маркази атрофида ўтказилаётган махсус тадбирлар пайтида қўриқлаш бошқармаси ходимлари томонидан гиёвандлик моддаларини истеъмол қилишда гумон билан ёш йигитча ушланди. Текширув чоғида унинг ёнидан 2 килограмм 113,7 грамм наша гиёвандлик моддаси топилди ва мусодара этилди.

**Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармасининг матбуот хизмати.**

# ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

"ТРАСТБАНК"
Акционерлик Биржа Банки

Давлат ташкилотларни ва тадбиркорларни ҳамкорликка таклиф этади

- БЕПУЛ тарзда ҳисоб-китоб счетларни очиш
- БЕПУЛ тарзда барча бланклар ва техник ҳужжатлар билан таъминлаш
- КОМПЛЕКС тарзда бутун кун давомида банк хизматларни кўрсатиш
- БЕПУЛ тарзда барча хўжалик муаммолари тўғрисида маслаҳатлар

ХОДИМЛАРИМИЗНИНГ ОЧИҚ КЎНГИЛЛИГИ

*Ишларингиз баракали бўлсин!*

*Тошкент, Навоий кўчаси,7-уй, Ўзоптбиржеторг имморати, тел. 413554, 412182, 412260, 412810, факс 412343.*

**ТОШКЕНТ ШАҲРИ АБОНЕНТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!**

"МАРКАЗ-14"даги 7 ва 24-уйлардаги абонентларнинг кабель телефон алоқаси таъмирланиши муносабати билан

**44-АТС билан 29 НОЯБРГАЧА ТЕЛЕФОН АЛОҚАСИ БЎЛМАЙДИ.**

34/35 АТСларда телефон кабелининг таъмирлаш ишлари олиб борилиши муносабати билан

Х. ЭРГАШЕВ, МУСОРГСКИЙ, ТИМИРЯЗЕВ, Б. ОДИЛОВ, ФИРДАВСИЙ, МАТБУОТ, "АВРОРА" кўчаларидаги абонентларда, ТИИИМСХ ётоқхонасида

**1 ДЕКАБРГАЧА ТЕЛЕФОН АЛОҚАСИ БЎЛМАЙДИ.**

**ТОШКЕНТ ШАҲАР ТЕЛЕФОН АЛОҚАСИ ВА РАДИОЛАШТИРИШ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ.**

**"АМБЕР ЭНТЕРПРАЙЗЕС" ва "МИРОБОД" ФИРМАЛАРИ**

бизнесменларни, пойтахт аҳолиси ва меҳмонларни

**1994 йилнинг 25 НОЯБРИДАН 9 ДЕКАБРИГАЧА**

бўлиб ўтадиган ПОКИСТОНДА ишлаб чиқарилган халқ истеъмол молларини арзонлаштирилган нархларда сотиш — КУЗГИ ЯРМАРКАСИГА

**ТАКЛИФ ЭТАДИ**

**Манзилгоҳимиз: Миробод деҳқон бозори, "Миробод" дўкони, иш вақти — 8.00 дан 18.00 гача.**

## ХУСУСИЙ ЭЪЛОНЛАР

1300 тухумга мўлжалланган тухум инкубатор сотилади. **Т: 66-17-34.**

***

Марказ-6 да 4 хонали кв-ра сотилади. **Т: 34-93-34.**

***

Миробод районида барча қулайликларга эга планли уй, дала ҳовли сотилади. **Т: 91-38-51, 91-49-25, 75-79-37.**

"Ўзбексавдо" Давлат акционерлик уюшмаси жамоаси ва Бошқаруви "Чорсу" универмаги раҳбари Неъматулла Насруллаевич Агзамқуловга отаси

**Насрулло АГЗАМҚУЛОВнинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Муассис: Тошкент шаҳар ҳокимлиги

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида рўйхатга олинган. Рўйхат сони ~ 10.

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, ГСП, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Телефонлар: хатлар ~ 33-29-70; эълон ва тижорат хабарларини жойлаштириш масалалари бўйича~ 56-54-68, 32-56-66.

Эълонлар ва тижорат хабарлари аниқ ва тўғрилиги учун жавобгарлик уларни берган ташкилот ва шахслар зиммасидадир.

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки "Тошкент почтаси" шаҳар почта корхонасининг фойдаланиш бўлимига ~ 33-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Ҳажми ~ 2 босма табоқ. Офсет усулда чоп этилади. Қоғоз бичими - А-2. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Нашр кўрсаткичи - 64690.

"Шарқ" нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

Душанба, чоршанба ва жума кунлари чиқади. Буюртма Г—1233 •Босмага бериш вақти 11.30. •Босмага берилди. 1 2 3 4 5 6.